

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМУРОДОВ ОЙБЕК БЕРДИМУРОД ЎҒЛИ**

**САЙИД ҚОСИМИЙ МАСНАВИЙЛАРИ ПОЭТИКАСИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Гулистон – 2023**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

<b>Нормуродов Ойбек Бердимурод ўғли</b> Саййид Қосимий маснавийлари поэтикаси .....	3
<b>Нормуродов Ойбек Бердимуродович</b> Поэтика месневи Саййида Касими .....	23
<b>Normurodov Oybek Berdimurod o'g'li</b> The poetics of masnavis by Sayyid Kasimiy .....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	47

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМУРОДОВ ОЙБЕК БЕРДИМУРОД ЎҒЛИ**

**САЙИД ҚОСИМЙ МАСНАВИЙЛАРИ ПОЭТИКАСИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Гулистон – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Fil2072 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.gdu.uz](http://www.gdu.uz)) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раҳмонов Насимхон Асқарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тўхлиев Боқижон**  
филология фанлари доктори, профессор

**Раҳмонов Ваҳоб**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе. Тел.: (99 867) 225-42-75; факс: (99 867) 225-40-42; E-mail: [gIsu.info@edu.uz](mailto:gIsu.info@edu.uz))

Диссертация билан Гулистон давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе. Тел.: (99867) 225-42-75).

Диссертация автореферати 202\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(202\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Р.Менглиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**М.Р.Маматқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори, доцент

**А.Э.Маматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида мумтоз адабиёт намуналари антик даврдан буён шу соҳа вакиллариининг доимий диққат марказида, эътиборида ва эътирофида бўлиб келаётганлиги уларнинг ноёб тадқиқот манбалари эканлигини кўрсатади<sup>1</sup>. Зеро, инсон маънавий камолотида бу манбаларнинг ўрни беқиёс. Мумтоз асарлардан баҳраманд бўлган ҳар бир авлод улардан ўзи излаган маъно-мазмун, ҳаётий ҳақиқатни, кўнглидаги гапни топа олади. Шу сабаб уларнинг ҳар галги илмий тадқиқи шу пайтгача кузатилмаган янгича қараш, ўзига хос фарқлар, ўзгача талқинларни вужудга келтиради. Бу ҳолат мумтоз асарлар муқояса қилинганда, айниқса, ёрқин кўзга ташланади. Бир қанча манбаларни қиёсий ўрганиш, нафақат уларнинг умумий, муштарак томонларини кўрсатишда, балки ҳар бирининг поэтик хусусиятларини тадқиқ этиб, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида адабий алоқа ҳамда адабий таъсир натижасида яратилган мумтоз бадиий асарларнинг ўрганилиши ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, туркий (ўзбек) ва форс-тожик тилларидаги асарлар борасида қилинган тадқиқлар тарихи қадимийлиги ва ўтган даврда ҳар икки адабиётшуносликда ҳам эътироф этилган ютуқларга эришилганлиги фикримизнинг далилидир<sup>2</sup>. Фойдалилиги, афзаллиги асарлар бўйи синовдан ўтган адабий алоқаларни ривожлантириш, мумтоз асарларни қиёсий таҳлил қилиш Жомий, Навоий давридаги юксакликка эришиш сари дадил қадамлар ташлашга асос бўлмоқда. Ўрганилаётган мумтоз адабиёт намуналари, янги топилган асарларнинг илм-фанга тақдим этилиш жараёнларининг такомиллашуви ва ривожига асос бўлади.

Ўзбекистонда мумтоз миллий меросимизни кенг тарғиб қилиш, уни соғлом илмий асос билан таҳлил этиш масаласи кўндаланг қўйилган ҳозирги даврда бундай ишларнинг аҳамияти янада ортди<sup>3</sup>. Негаки, бунинг натижасида тасаввуфий мазмундаги бадиий матнлар янада кенгроқ ва чуқурроқ тадқиқ қилиниб, мумтоз асарларнинг бадиий қиймати, поэтик юқини илмий асосда аниқ ва объектив белгилашга эришилмоқда. Бунда бадиий адабиётнинг адабий таъсир натижасида юзага келиш ўринлари ва ижодкорнинг анъанавийликдан услубий индивидуалликка қай даражада эришганлиги каби масалаларни янада чуқурроқ тадқиқ этиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги –“Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида” ПФ – 4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947-сон фармонлари; 2017 йил 17 февралдаги – “Фанлар

<sup>1</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. (Зохир Аълам ва Урфон Отажон таржимаси) – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015.

<sup>2</sup> Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 август.

академияси фаолияти илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ – 2789-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ – 3271-сон қарорлари ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек адабиётшунослигида Саййид Қосимий адабий меросининг дастлабки тадқиқи, хусусан, қўлёзмаларининг топилиши Ҳ.Сулаймонов номи билан боғлиқ<sup>4</sup>. 1979 йилда Ўзбекистон ФА Қўлёзмалар институти томонидан ташкил этилган экспедиция натижасида муаллиф асарларининг, аниқроғи, “Гулшани роз” достонининг XIX асрда кўчирилган яна бир қўлёзмаси аниқланди<sup>5</sup>.

Шоир адабий меросидан намуналар илк мартаба 1987 йилда “Ўзбек адабиёти бўстони” серияси остида “Муборак мактублар” мажмуасида муаллиф ҳақидаги қисқача маълумотлар билан бирга нашр этилди<sup>6</sup>. Саййид Қосимий адабий меросини матншунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан биринчилардан бўлиб тадқиқ этган олим Б.Қосимхоновдир. Олимнинг шоир адабий мероси ҳақида “Саййид Қосимийнинг адабий-дидактик достонлари” номли монографияси нашрдан чиқди<sup>7</sup>. Шундан сўнг Б.Қосимхонов кўп йиллик илмий изланишлари натижасини номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди<sup>8</sup>. Фидойи адабиётшунос олим 1992 йилда “Маснавийлар мажмуаси” номи билан “Фан” нашриётида шоирнинг тўртта маснавийсини жамлаган тўпламини нашр эттирди<sup>9</sup>.

Саййид Қосимий яшаб ижод қилган XV асрнинг биринчи ярми даври адабий меросининг матний тадқиқи, ғоявий-бадий хусусиятлари муаллиф яшаган давр билан боғлиқ маълумотлар ўтган аср бошида, унинг сўнгги ўн йиллиги ҳамда янги асрнинг биринчи чорагида бир қатор илмий мақола ҳамда

<sup>4</sup> Саййид Қосимий. “Мажмаъ ул-ахбор” №753, “Гулшани роз” №48, “Ҳақиқатнома” ва “Садоқатнома” №85. – Ҳиндистон: Рампур. Ризо кутубхонаси.

<sup>5</sup> Саййид Қосимий. “Гулшани роз” (инв.2663). Ҳ.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти.

<sup>6</sup> Саййид Қосимий. Ҳақиқатнома. Садоқатнома // Муборак мактублар. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1987. 144-182 ҳамда 183-209-бетлар.

<sup>7</sup> Қосимхонов Б. Саййид Қосимийнинг адабий-дидактик достонлари. – Тошкент: Фан, 1987.

<sup>8</sup> Қосимхонов Б. Саййид Қосимий ва унинг адабий-дидактик достонлари: Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1991; Касымханов Б.Х. Саййид Қосими и его литературно – дидактические поэты. Дисс. ... на соискание учёной степени канд. филол. наук. – Т., 1991.

<sup>9</sup> Саййид Қосимий. Маснавийлар мажмуаси. Нашрга тайёрловчи филология фанлари номзоди Бобохон Қосимхонов. – Тошкент: Фан, 1992.

ўқув адабиётларида қисман ёритилди. Хусусан, жаҳон адабиётшунослиги намояндлари В.В.Бартольд, Ю.М.Лотман, Е.Э.Бертельс, А.Н.Веселовский, Р.Мусулмонқулов<sup>10</sup> ҳамда ўзбек адабиётшунослари А.Фитрат, Ойбек, М.Шайхзода, В.Абдуллаев, Н.Маллаев, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, С.Эркинов, А.Ҳожиаҳмедов, А. Абдуғафуров, Р.Орзибеков, А.Рустамов, С.Ғаниева, Б.Валихўжаев, Ё.Исҳоқов, Н.Комилов, Р.Воҳидов, В.Раҳмонов, М.Муҳиддинов, И.Ҳаққул, Н.Раҳмонов, Б.Тўхлиев, Ҳ.Болтабоев, С.Олимов, С.Рафиддинов, Д.Салоҳий, Ш.Сирожиддинов, К.Муллахўжаева, У.Жўрақулов, М.Абдувоҳидова, М.Маматқулов, О.Давлатов, Д.Юсупова, Ҳ.Эшонқулов ва С.Тоҳировлар ўз тадқиқотларида ушбу мавзу юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирган<sup>11</sup>.

<sup>10</sup> Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. Сочинения. V. – Москва: Наука, 1968; Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. – Ленинград: Просвещение. 1972; Бертельс Е.Э. Избранные труды: Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965; Шу муаллиф: Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965; Веселовский А.Н. Историческая поэтика / Вступительная статья Горского И.К. – М.: Высшая школа, 1989; Мусульманқулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.). – Москва: Наука, 1989.

<sup>11</sup> Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000; Fitrat. Tanlangan asarlar. (Darslik va o'quv qo'llanmalari, ilmiy maqola va tadqiqotlar). Nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi: Boltaboyev N. – Toshkent: Ma'naviyat, 2009; Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 19 томлик. 13-том. – Т.: Фан, 1979; Шайхзода М. Асарлар. 6 томлик. 4-том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972; Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1968; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. (XVII асргача). – Т., “Ўқитувчи”, 1976; Қаюмов А. Алишер Навоий. – Т.: Камалак, 1991; Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985; А. Ҳайитметов. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Ўзфанакадашр, 1963; Ҳайитметов А.Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996; Эркинов С., Ғаниева С. Низомий Ганжавий. – Тошкент: Фан, 1992; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. – Тошкент: Шарқ, 1998; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадийат малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999; Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича). Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент: 1998; Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976; Рустамов А. Қофия нима? – Т.: Фан, 1976; Ғаниева С. Кишидин яхши от қолғай жаҳонда. (Ижодкор темурийлар) Ўзбек мумтоз адабиётшунослиги антологияси. – Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Тошкент: 1993; Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. I, II жилдлар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002; Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги ХМН, 2002; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009; Комилов Н. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005; Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 1994; Rahmonov V. She'riy san'atlar. – Т., Sharq, 2020; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005; Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991; Н. Раҳмонов. Ўзбек адабиёти тарихи. Энг қадимги даврдан XV асрнинг биринчи ярмигача. – Т., Sano-standart, 2017; Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг”нинг поэтикаси масалалари // Ўлмас обидалар. – Тошкент: Фан, 1989; Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016; Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси: манба ва талқинлар / Нашрга тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006; Олим С. Ишқ, ошқ ва маъшук. – Тошкент: Фан, 1992; Рафиддинов С. Мавлоно Атойи. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси; 2016; Салоҳий Д. Тасаввуф ва бадий ижод. – Самарқанд: Самарқанд давлат университети, 1995; Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011; Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik (1-kitob). – Toshkent: Tamaddun, 2018; Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсоллар ва бадий санъатлар уйғунлиги – Т., Академнашр, 2019; Жўрақулов У.Ҳ. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. Филол. фан. докт. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2017; Абдувоҳидова М. Ўзбек адабиётида мунозара. – Тошкент: Фан, 1984; Маматқулов М.Р. XVII-XVIII асрлар ўзбек адабиётида фольклор анъаналари ва поэтика масалалари. Филол. фан. докт. ... дисс. – Гулистон, 2022; Давлатов О.Д. Алишер Навоий шеърятда Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадий талқини: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. – Самарқанд, 2017; Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадий уйғунлиги. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011; Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Таълим-Медиа, 2019; Юсупова Д. Аруз ва мумтоз поэтикага кириш. – Т., Академнашр, 2020; Юсупова Д.Р. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадий уйғунлиги. Фил. фан. ном. ...дисс. – Т.: 2008;

Бироқ, шу чокқача амалга оширилган тадқиқотларда адиб асарлари адабий таъсир нуқтаи назаридан қиёсий ўрганилмаган. Ваҳоланки, Саййид Қосимий асарларининг деярли барчаси ижодий таъсир мевасидир. Бинобарин, масала моҳиятининг ўзи уни қиёсий ўрганишни, қиёсий таҳлилни тақозо қилади. Бизнинг тадқиқотимиз ана шу моҳият тақозосига кўра амалга оширилди. Унинг қиммати: илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ана шулар билан белгиланади. Тадқиқотимизнинг долзарблиги, зарурати ҳам шунда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №27 “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари” йўналишида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Саййид Қосимийнинг “Мажмаъ ул-ахбор”, “Ҳақиқатнома”, “Гулшани роз”, “Илоҳийнома” асарларида тил, услуб, анъана ва ворисийлик ҳамда бадиий маҳоратнинг намоён бўлишини ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

XV асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиётида жанрлар такомилли масаласини ўрганиш;

XIV – XV аср туркий адабиётда Саййид Қосимий ижодига хос хусусиятларни аниқлаш;

Саййид Қосимийнинг маснавийлари бадииятини тадқиқ этиш;

Шарқ адабиётидаги “Хамса” асарларининг биринчи достони билан Саййид Қосимийнинг “Мажмаъ ул-ахбор” достонини қиёслаш, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ёритиш;

Саййид Қосимийнинг “Илоҳийнома” достони ва Фаридиддун Атторнинг шу номдаги достонидаги “Покиза аёл садоқати” ҳикоятини қиёсий таҳлил қилиш орқали ижодкор бадиий концепциясини белгилаш;

Саййид Қосимий ҳикоятларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари ва услуби масаласини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Саййид Қосимийнинг “Мажмаъ ул-ахбор”, “Ҳақиқатнома”, “Гулшани роз”, “Илоҳийнома” асарлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Саййид Қосимий маснавийлари поэтикаси, уларда тасаввуф ғояларининг ифодаланиши ҳамда XV аср адабиётига хос анъанавийлик ва новаторлик белгиларни ёритиш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий-типологик, концептуал таҳлил, қиёсий-тарихий ҳамда контекстуал тадқиқ усуллари билан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XV асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиётида нома, ғазал, дoston жанрларининг бадиий жиҳатдан такомиллашгани уларнинг услубий, ғоявий, шаклий хусусиятлари асосида кўрсатиб берилган;

---

Vohidov R., Eshonqulov H. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. –T.: O‘zbekiston yozuvchilar uyushmasi. Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2006; Эшонқулов Х.П. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Ҳазойин ул-маоний” мисолида) филол. фан. ... док. (DSc) дисс. автореф. – Самарқанд, 2020; Тоҳиров С. Темурийлар даврида хамсанавислик. – Т.: Тамаддун, 2021.

Шарқ адабиётида яратилган “Хамса”ларнинг биринчи достони ва Саййид Қосимийнинг “Мажмаъ ул-ахбор” асари композиция, сюжет, бадийлик модуллари нуктаи назаридан қиёсланиб, туркий адабиётда Алишер Навоийгача ҳам хамсачилик анъанасининг илдизи мавжуд эканлиги асосланган;

Саййид Қосимий ҳикоятларида тасаввуфий-фалсафий қарашларнинг поэтик образ яратишдаги муҳим аҳамияти “*мурувват*”, “*фақрлик*”, “*мардлик*”, “*иймон*”, “*ишқ*”, “*ҳушёрлик*”, “*тавба*” каби тасаввуфий концептлар орқали очиб берилган;

Саййид Қосимий маснавийлари бадииятининг юқорилиги унинг поэтик унсурлари, маъно мутаносиблиги, образ ва тимсолларнинг тарихий-тахайюлий тадрижи, вазн, қофия ҳамда бадий санъатлар ранг-баранглиги, оҳангдаги ритмик вариантлашув мутаносиблиги асосида далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбек мумтоз адабиётида Саййид Қосимий адабий меросининг ўрни, аҳамияти, адибнинг ижодий индивидуаллиги анъана ва ворисийлик, мавзу, шакл, бадий ифода воситалари асосида ёритиб берилган;

Ўзбек адабиётшунослигида муайян адибга оид мукамал маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва адабий таъсирнинг ижодкор услубини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган;

Саййид Қосимийнинг маснавийлари бадиияти доирасидаги изланишларда, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жараёнида талабаларга адабиётшуносликнинг поэтикага оид билимларни ўзлаштиришда бевосита манба бўлиб хизмат қилиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, методик жиҳатдан тизимли равишда ёндашилгани, қўйилган муаммонинг аниқ ва етарлича далиллангани, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, дунё адабиётшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида илмий-назарий асослангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти микропоэтиканинг тарихий-тадрижий хусусиятларига доир мавжуд назарий қарашларни янги билимлар билан бойитишга хизмат қилиши, бадий асар поэтикасида олиб борилаётган тадқиқот ишларига, хусусан, шакл ва мазмуний муносабатлар таҳлилида, вазн, қофия, бадий тасвир воситалари асосида ўзбек мумтоз тарихий поэтикасига доир маълумотлар базасини шакллантиришда назарий асос вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти адабиёт тарихида ижодкор концепцияси масалаларини ёритишда, бадий асарни қиёсий ўрганишда, бадий асар генезиси, адабий таъсир каби жараёнлар тадқиқида, уларни илмий таҳлил қилишда, олий ўқув юртларининг филология йўналиши талабаларига маъруза, семинар машғулотларини ташкил қилишда самарали фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Саййид Қосимий маснавийлари поэтикаси тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Саййид Қосимийнинг “Мажмаъ ул-ахбор” (Хабарлар тўплами), “Гулшани роз” (Сирлар гулшани), “Ҳақиқатнома”, “Илоҳийнома” номли асарлар мавжудлиги ҳамда Ўзбек адабиёти XV асрда тазкирачилик, тасаввуф илми, тарихий рисолалар, номачилик, ёзма дostonчилик, ғазалнавислик борасида ўзининг ривожланиш чўққисига эришганлиги, бу даврда ўзбек мумтоз адабиётида янги жанрлар, услублар, йўналишлар пайдо бўлиши юзасидан чиқарилган илмий-назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2017-2020 йилларда амалга оширилган ОТ-Ғ1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7 жилд) чоп этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 12 майдаги 04/1-913-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа маснавийлар поэтикаси ва унинг асосий бадиий-эстетик хусусиятлари борасидаги назарий қарашлар билан бойиган;

ёзма адабиётда девон яратиш анъанасининг шаклланиши, ўзбек адабиётида бир қанча янги жанрларнинг пайдо бўлиши, номачилик, хамсачилик, дostonчилик анъаналарининг ривож ва унинг таркибидаги асосий сюжет ва мотивларнинг генезиси тадқиқ этилиши юзасидан чиқарилган назарий ғоя ва амалий аҳамиятга эга таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетида 2018–2020 йилларда бажарилган PZ-20170927147 рақамли “Қадимги даврлардан XIV асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 12 майдаги 04/1-914-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек номачилиги, дostonчилиги, ғазалчилиги ривожда Саййид Қосимий асарлари ўзига хос ўринга эга эканлиги очиқ берилган;

мутасаввифлар ҳақидаги ҳикоятлар, уларнинг образларига хос хусусиятлари, тараққиёт босқичлари борасида чиқарилган назарий хулосалардан Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси ва радиоэшиттиришлар таҳририяти “Мутолаа”, “Биз сув ичган дарёлар” рукнидаги кўрсатувлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланган (Сирдарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 25 апрелдаги №163-сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг эстетик савияси ошишига, унинг аудиторияси кенгайишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилиб, шулардан, 4 мақола халқаро конференциялар тўпламларида, 9 мақола республика илмий-амалий анжумани тўпламларида, 5 мақола эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда босилиб чиққан.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 148 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **“Кириш”** қисмида кўйилган муаммонинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети ёритилган. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва Саййид Қосимий адабий мероси”** номли биринчи боби икки фаслдан иборат бўлиб, биринчи фасл *“Саййид Қосимий ижодининг ўрганилиши”* деб номланади. Унда Саййид Қосимий адабий меросининг ўрганилиши ҳақида фикр юритилган<sup>12</sup>. Бу жараённинг бошланиши 1977 йилда Ҳ.Сулаймонов раҳбарлигида ташкил қилинган экспедициялар билан боғлиқ эканлиги ёритилган<sup>13</sup>.

Саййид Қосимийнинг умумий ҳажми 4468 мисрадан иборат қўлзма асари Бухорода котиб Муҳаммад Содик Мунший томонидан кўчирилган. 1979 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Қўлзмалар институти томонидан ташкил этилган навбатдаги экспедиция натижасида шоир асарларининг, аниқроғи, *“Гулшани роз”* достонининг XIX асрда кўчирилган яна бир қўлзмаси аниқланган<sup>14</sup>.

Шоир адабий меросидан илк намуналар биринчи мартаба 1987 йилда *“Ўзбек адабиёти бўстони”* серияси остида чоп этилган *“Муборак мактублар”* мажмуасида (муаллифлар М.Абдувоҳидова, Ҳ.Мухторова, Б.Қосимхонов, О.Жўраевлар) Саййид Қосимий ҳақидаги дастлабки қисқа маълумотлар билан бирга эълон қилинди<sup>15</sup>. Ушбу китобда Саййид Қосимий яшаган давр, унинг Мовароуннаҳр ёки Хуросонда темурийлар сулоласидан бўлган Султон Абу Саид Мирзо (1451-1469 йиллар) даврида яшаганлиги, *“Мажмаъ ул-ахбор”* (Хабарлар тўплами), *“Гулшани роз”* (Сирлар гулшани), *“Ҳақиқатнома”*, *“Садоқатнома”* номли асарлари мавжуд эканлиги қайд этилган. Бундан ташқари мазкур фаслда *“Муборак мактублар”* китобидан ўрин олган Саййид Қосимийнинг икки – *“Ҳақиқатнома”* ва *“Садоқатнома”* асарлари жузъий қисқартиришлар билан берилганлиги айтилган. Жумладан, *“Ҳақиқатнома”*нинг тўққиз байти, яъни *“Дар баёни ҳамд”* қисми, ўн бир байти, яъни *“Наъти*

<sup>12</sup> Қосимхонов Б. Саййид Қосимийнинг адабий-дидактик достонлари. – Тошкент: Фан, 1987. Гарчи Саййид Қосимийнинг асарлари 70 йилларда фанга маълум бўлган бўлса-да, унинг чоп этилиши 1987 йил баъзи асарларидан намуналар тарзида, яхлит ҳолда эса 1992 йил амалга оширилган. Шундан сўнг Қосимий асарлари қайта нашр этилмай келинмоқда.

<sup>13</sup> Касымханов Б.Х. Саййид Касими и его литературно – дидактические поэты. Филол.фан. номзоди. Дисс. – Т.: 1991.

<sup>14</sup> Муборак мактублар. Саййид Қосимийнинг *“Ҳақиқатнома”* ва *“Садоқатнома”* асарлари ҳақида – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 144-бет.

<sup>15</sup> Саййид Қосимий. *Ҳақиқатнома. Садоқатнома // Муборак мактублар.* – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1987. 144-182 ҳамда 183-209-бетлар.

пайғамбар алайҳи-с-салом” қисмидан ҳамда муножот қисмидан бир байт, “Оғози китоб” қисмининг жами уч байти, жумладан, 12-байт, 20-байт, 23-байт, саккизинчи бобнинг “Ҳикояти Султон Махмуд Ғазнавий алайҳи-р-рахма” номи ҳамда таркибидаги 6-байт, тўққизинчи боб “Ҳикояти имом Муҳаммад Ғаззолий ва нафси у” ҳикоясининг 1-байти, 17-байти, 10-бобнинг “Ҳикояти шайхки, зоҳирваш ва ботин рост набуд” ҳикояси таркибидаги 20-байт ҳамда “Садоқатнома” матнидаги 4-, 315-, 377-байтлари тушириб қолдирилганлиги мисоллар билан далилланди<sup>16</sup>.

Мазкур фаслда Қосимийнинг адабий меросини матншунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этган илк олим Б.Қосимхонов эканлиги, олимнинг “Саййид Қосимийнинг адабий-дидактик дostonлари” номли монография эълон қилганлиги,<sup>17</sup> адиб ҳақида яна Б.Қосимхонов томонидан “Саййид Қосимий ва унинг адабий-дидактик дostonлари” мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилганлиги айtilган<sup>18</sup>. Олим диссертацияда Саййид Қосимий ҳикоятларини икки катта гуруҳга бўлиб ўрганган: *1.Ижтимоий-сиёсий характердаги ҳикоятлар. 2.Дидактик характердаги ҳикоятлар.* Биз бунга қўшимча тарзда 3-гуруҳни “*Мутасаввифлар ҳаёти билан боғлиқ ҳикоятлар*” дея таснифлашни таклиф қилдик<sup>19</sup>. Б.Қосимхонов ўзининг номзодлик диссертациясида муаллиф дostonлари вазнларини аниқлашда камчиликларга йўл қўйган<sup>20</sup>. Ишнинг мазкур фаслида Қосимий дostonларининг вазнлармни қайта таҳлил қилган Д.Юсупова тадқиқотлари Б.Қосимхонов ишлари билан қиёсланган<sup>21</sup>. Шулар билан бирга, тасаввуфшунос олим Н.Комиловнинг “Тасаввуф” китобида<sup>22</sup>, профессор Н.Раҳмоновнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” қўлланмасида адиб ижодини ўрганиш тамойиллари, талқинлари ҳақида фикрлар ўрганилган<sup>23</sup>.

Биринчи бобнинг “*Саййид Қосимий ижоди XIV–XV аср адабиёти контекстида*” номли иккинчи фаслида муаллиф фаолияти, у яшаган даврда темурийларнинг ижодига бўлган муносабати ҳамда адиб асарларининг XV аср адабиётидаги ўрни ҳақида сўз борган<sup>24</sup>.

<sup>16</sup> Саййид Қосимий. Ҳақиқатнома. Садоқатнома // Муборак мактублар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1987. 166-168-бетлар.

<sup>17</sup> Қосимхонов Б. Саййид Қосимийнинг адабий-дидактик дostonлари. – Тошкент: Фан, 1987. Олимнинг ушбу тадқиқотидан сўнг Саййид Қосимийнинг адабий мероси мустақилликдан кейин ҳали ҳамон алоҳида объект сифатида илмий жиҳатдан қайта ўрганилмаган.

<sup>18</sup> Касымханов Б.Х. Саййид Касими и его литературно – дидактические поэты. Филол.фан. номзоди. дисс. – Т.: 1991.

<sup>19</sup> Олим бундай мавзуга бўлмаслигига давр мафкураси йўл қўймаган бўлиши мумкин, шу боис адибнинг асарлари илк бор тасаввуф билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинмоқда.

<sup>20</sup> Мазкур дostonларнинг вазнлари ҳақида Дилнавоз Юсупова Б.Қосимхонов тадқиқотида янглишганлигини таъкидлайди. Олима Б.Қосимхонов тактеъларга тўғри ажратганлигини, аммо вазни бошқа ном билан номлаганлигини айтади. Юқоридаги ҳар икки асар “Мажмаъ ул-ахбор”, “Тулшани роз” дostonлари Шарк адабиётида панд-насихат руҳ етакчилик қиладиган сариъ баҳри вазнларида ёзилган.

<sup>21</sup> Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги: Филол. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2008.

<sup>22</sup> Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннахр. Ўзбекистон, 2009. – Б. 145.

<sup>23</sup> Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Энг қадимги даврдан XV асрнинг биринчи ярмигача. – Т.: Саностандарт, 2017.

<sup>24</sup> Биз ишда, асосан, адабий муҳитга эътибор қаратган бўлсак-да, бу даврда бошқа соҳаларнинг ҳам ривожланганлигини олимлар ўз илмий изланишларида атрофлича ёритган. Қаранг: Норкулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. – Урганч: Хоразм, 1996. – Б.127; Амир Темур ва Темурийлар даврида

Бу даврда адабий жараённинг жонланиши Амир Темурнинг ўзи ижод ва ижод аҳлидан доимий хабардор эканлиги билан боғлиқ. Буни Темур “Тузуқлари”да ҳам кўриш мумкин<sup>25</sup>. Шахсан Амир Темур фармонлари билан яратилган қулай шароит, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш туфайли адабий муҳит жадал раванқ топди, доимий янги ижодий анъаналар, изланишлар билан бойиб борди. Бу жараёнларнинг бевосита гувоҳи бўлган Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида Темур ҳақида “... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор”<sup>26</sup>, – дейди.

XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек адабиётида бир қанча янгиликлар пайдо бўлди. Жумладан, янги жанрлар юзага келди, янада ривожланди. Ана шулардан бири мунозара ҳисобланади<sup>27</sup>.

*Иккинчи* янгиланиш ўзбек адабиётида нома жанри анъаналари давом эттирилиб, янада раванқ топгани, янги адабий тамойиллар билан бойиганлигида кузатилади<sup>28</sup>.

*Учинчи* янгиланиш ўзбек (туркий) адабиётшунослигига оид туркий тилда битилган дастлабки рисола – “Фунун ул-балоға” мана шу даврнинг маҳсули эканлиги билан белгиланади<sup>29</sup>.

*Тўртинчи* янгиланиш шуки, бу даврда бадий ижод билан шуғулланувчи темурийзодалар сони бирмунча ортди<sup>30</sup>.

*Бешинчи* янгиланиш туркий тил бу даврга келиб форс тили билан баробар ижод тилига айланганидир. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида Мавлоно Амирийга “турк эрди ва туркча шеъри яхши воқеъ бўлубдур, аммо шуҳрат тутмабдур”<sup>31</sup>, мавлоно Ҳожи Абулҳасанга “туркдир, аммо толиби илмлиққа машғул бўлуб, бирор нима модда ҳосил қилибдур, чун табъи хуб эрди, шеър айтурға машғул бўлди”, Мавлоно Қутбийга “Туркий ва форсий шеърида жалд эрди. Бу туркча матлаи машҳурдурким”, Мавлоно Наимийга “Туркий назмларға табъи мулойим эрди”<sup>32</sup>, Мавлоно Лутфий ...форсий ва

---

маданият ва санъат. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996 – Б. 88; Абдулахад Муҳаммаджонов. Темур ва Темурийлар салтанати (Тарихий очерк). – Т.: Қомуслар, 1994 – Б. 158.

<sup>25</sup> Темур тузуқлари. (Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси). – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. – Б. 144.

<sup>26</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9-жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – 2013. 411-бет.

<sup>27</sup> Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Энг қадимги даврдан XV асрнинг биринчи ярмигача. – Т., Саностандарт. 2017.379-бет. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон. 2014. 108-бет. Ўзбек адабиёти тарихида мунозара жанрининг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалиши ҳеч кимга сир эмас. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғати-т-турк” асарида келтирилган “Қиш ва Ёз” мунозараси бу жанрнинг туркий адабиётда қадимий жанрлардан бири эканлигини далиллайди, Қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Туркий сўзлар девони. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 488 бет. (Нашрга тайёрловчи Қосимжон Содиқов). 2013.

<sup>28</sup> Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., Ўқитувчи. 1976. 307-308-бетлар.

<sup>29</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 2002 йил 1-сон. (Нашрга тайёрловчи Ҳайитметов А.)

<sup>30</sup> Ғаниева С. Кишидин яхши от қолғай жаҳонда. (Ижодкор темурийлар). Ўзбек мумтоз адабиётшунослиги антологияси. – Т.; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2016.199-200-бетлар.

<sup>31</sup> Ўша асар. 302-бет.

<sup>32</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 9-жилд. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2013. – Б. 305-бет.

туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шухрати кўпрак эрди...”<sup>33</sup> таърифларини келтириб, Ҳаримий Қаландар, Дарвеш Нозукий, Яқиний, Атоий, Камолий, Латифий, Саккокий, Мирзо Ҳожи Сўғдий, Мавлоно Билол, Мир Саъид, Муҳаммад Али Ғарибий, Мирзобек, Саййид Ҳасан Ардашер, Амир Шайхим Суҳайлий, Осафий, мавлоно Шавқий, Гадоий, Шерам, Иброҳим Муҳаммад Халил, Соқий каби ижодкорларнинг туркий тилда машҳур эканлигини айтиб ўтади.

*Олтинчи* янгиланиш шуки, бу даврга келиб ғазал жанри ўзининг жадал ривожланиш босқичини бошдан кечирди<sup>34</sup>.

Алишер Навоийга қадар ғазал жанри маълум тараққиёт босқичларини босиб ўтганлиги ҳақида Н.Маллаев ўзининг “Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожидида Навоийнинг роли ҳақида” мақоласида куйидаги фикрларни билдиради: “Алишер Навоийга қадар ғазал жанри ўзбек адабиётида маълум тараққиёт босқичларини босиб ўтди, XIV асрда Рабғузий ва Хоразмий каби шоирлар ғазалчиликда маълум мавқеъ тутган бўлсалар, XV асрнинг биринчи ярмида Саккокий, Отоий, Яқиний ва ниҳоят Лутфий каби забардаст ғазалчиларни етиштирди. Уларнинг ҳар бири ғазалчиликда ўзига хос хусусият ва мавқега эга эди”<sup>35</sup>. Адабиётшунос олим мақоланинг кейинги ўринларида “Қисайи Рабғузий” ва “Муҳаббатнома”нинг ҳам ғазалчиликдаги ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаб ўтган. Шу фикрларга таяниб, Саййид Қосимийнинг “Гулшани роз” достонидан ўрин олган ғазалларни адабиётимиз тарихида ўз ўрни эга, сони кўп бўлмаган, бадиий жиҳатдан эса ўзига хос жанрлигини қайд этиш мақсадга мувофиқ.

*Еттинчи* янгиланиш. Қасида жанри ҳам мана шу даврда туркий шеъриятда бирмунча фаол жанрга айланди. Саккокийнинг Улуғбек Султонга бағишланган қасидалари шулар жумласига киради<sup>36</sup>.

Ҳеч бир шубҳа гумонсиз айтиш мумкинки, темурийлар даври адабиёти, ҳақиқатан, ўзбек адабиёти ривожини юксак даражага кўтарган ўзига хос алоҳида бир босқични ташкил этади. Саййид Қосимий ҳам айна мана шу даврнинг салоҳиятли адибларидан бири бўлган. У ҳам темурийзодалар саройида уларнинг ғамхўрлигида ижод қилган. Муаллифнинг “Мажмаъ ул-ахбор” (Хабарлар тўплами) асари темурийзода Султон Абу Саид Мирзога (1451 – 1469), яъни Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг набираси (Султон Муҳаммаднинг ўғли)га бағишлаганлиги, “Гулшани роз” (Сирлар гулшани) китоби эса Султон Абу Саид Мирзо тасарруфидаги шаҳарларнинг бирида ҳоким бўлган Жалолоддин Саййид Мазид мадҳи билан бошланиши, Саййид Қосимийнинг темурийлар даври адабиётининг вакили эканлигини аниқ кўрсатади. Яна бир далил сифатида ушбу ижодкорнинг “Ҳақиқатнома” достони хотимасида асарининг ёзиб тугатган йили ҳақида шундай маълумот бор:

<sup>33</sup> Ўша асар, 331-бет

<sup>34</sup> Гадоий. Девон. – Т., Адабиёт ва санъат. 1973. 5-бет. Лутфий. Девон. Гул ва Наврўз. – Т.: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти. 1965. 13-бет. (Нашрга тайёрловчи: Содир Эркинов)

<sup>35</sup> Маллаев Н. “Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожидида Навоийнинг роли ҳақида” Ўзбек адабиётшунослиги мумтоз антологияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2016. 96-бет.

<sup>36</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти (тадқиқотлар, мақолалар, лавҳалар) – Т.: Фан. 1996. – Б. 161.

*“Муҳаббат кўйида қилдим иқомат, “Ҳақиқатнома”ни этдим тамомат. Маоний дурини оламга ёйдим, Кўнгулнинг дардини бир шамма айдим. Саккиз юз олтмиш учда бўлди тайёр. Раъби ул-охар ойинда бу гуфтор...”*

Юқоридаги мисралардан асарнинг ҳижрий 863 йил ёки 1458–1459 йилларда ёзилганлигини билиб олсак, бошқа томондан, ушбу далилларга суянган ҳолда, шоирнинг XV аср ўрталарида яшаб ижод этганлигини аниқлаймиз. Демак, Саййид Қосимий темурийлар қарамоғида ижод қилган ва ўз ижоди билан ўзбек адабиётида ўзига яраша из қолдирган.

Иккинчи боб **“Саййид Қосимий дostonларининг қиёсий таҳлили”** деб номланади. Бобнинг *“Мажмаъ ул-ахбор” дostonи ва хамсанавислик анъанаси*” номли биринчи фаслида адибнинг *“Мажмаъ ул-ахбор” дostonининг бадий-эстетик хусусиятлари* ўрганилди.

Шарқ адабиётида хамсанавислик анъанаси узоқ тарихга бориб тақалади<sup>37</sup>. Хамсачилик анъанаси ўрганилган манбаларда ушбу туркумдаги асарларга жавоб ёзиш анъанаси қуйидагича таснифлангани кузатилади:

1.Тўлиқ “Хамса” муаллифлари. 2.“Хамса”нинг баъзи дostonларига жавоб ёзган ижодкорлар. Битта дostonга жавоб ёзган ижодкорлар<sup>38</sup>; 1.Тўлиқ беш дostonдан иборат “Хамса” ёзганлар. 2.Сабъанавислар. Бу гуруҳдаги шоирлар етти дostonдан иборат туркум ёзганлар. 3.Тўлиқ ёзиб тугата олмаган шоирлар<sup>39</sup>. Таснифлардан ва уларнинг тавсифидан аён бўладики, хамсачилик тарихида фақат биргина дoston назира қилиш ҳам анча кенг тарқалган анъана тусида бўлган. “Хамса”нинг муайян дostonига жавоб ёзган ижодкорлардан бири бу – Саййид Қосимийдир. Муаллифнинг *“Мажмаъ ул-ахбор” дostonи* биргина дostonга назира тарзида ёзилган. *“Мажмаъ ул-ахбор”* муаллиф асарлари ичидаги энг йирик дoston ҳисобланади. Ҳажми – 2088 мисра. *“Мажмаъ ул-ахбор”*нинг асосий қисми 18 сарсухан ва уларни мазмунан тўлдириш учун келтирилган ҳикоятлар асарни композицион жиҳатдан ўзига ҳос бир бутунлик касб этишини таъминлаган. Буни қуйидаги жадвал орқали ҳам кўриш мумкин:

<sup>37</sup> Хамсанавислик анъанасининг генезиси ҳақидаги қарашлар деярли барча манбаларда озорбайжонлик Низомий Ганжавий ҳамда хиндистонлик Амир Хусрав Деҳлавий номи билан боғланади. Бу ҳақда қаранг: Энциклопедии словарии справочники. 6-том. – М.: Советская Энциклопедия. 1971. С – 121; Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Навоийшунослик. Дарслик. – Т. Тамаддун, 2018; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т., Ўзбекистон. 2014; Воҳидов Р., Эшонкулов Ҳ. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006; Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. XVII асргача бўлган давр. – Т.: Ўрта ва олий мактаб.1963; Алишер Навоий. Ҳайрат ул-абор. // Насрий баёни билан. Нашрга тайёрловчи Раҳмонов В. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2006; Қадимий ҳикматлар. // Нашрга тайёрловчилар: Раҳмонов Н. – Т.: Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987; Алишер Навоий: қомусий луғат. 1-2-жилдлар // Масъул муҳаррир Сирожиддинов Ш. – Т.: Шарқ, 2016; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Т.: Фан, 1995. Баъзи адабиётларда хамсанавислик анъанаси “Шоҳнома” дostonи билан алоқадор эканлиги ҳақидаги фикрлар учрайди. Бу ҳақдаги аниқ мисолларни қуйидаги манбадан олиш мумкин: Тоҳиров С. Темурийлар даврида хамсанавислик. – Т.: Тамаддун, 2021. – Б.225.

<sup>38</sup> Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). Ўқув қўлланма. – Т.: Тамаддун, 2016. 82-бет.

<sup>39</sup> Тоҳиров С. Темурийлар даврида хамсанавислик. – Т.: Тамаддун, 2021. 7-бет.

№	Боб <sup>40</sup>	Сарсухан мазмуни	Байт	Ҳикоят	Байт
1	7-8	Меҳмон кутиш ҳақида	21	Иброҳим аллайҳиссалом ва уникага келган меҳмон ҳикояти	35
2	9-10	Мурувват ҳақида	14	Шайх Шиблий ва инидан узоқлаб кетган ланг чумоли ҳикояти	17
3	11-12	Сидқ ва камтарлик ҳақида	15	Шайх Жунайд ва қари ит ҳикояти	19
4	13-14	Дунёга кўнгил қўймаслик	19	Шайх Баҳлул ва ўғри ҳикояти	36
5	15-16	Ташқи кўринишга қараб баҳо бермаслик ва мол-дунёга берилмаслик ҳақида	13	Зоҳид ва фосиқ ҳикояти	18
6	17-18	Пирга хизмат қилиш ҳақида	12	Маҳмуд Ғазнавий ҳақидаги ҳикоят	23
7	19-20	Дунёнинг ўткинчилиги ҳақида	10	Шоҳ Жамшид ва у ёздирган тош лавҳ ҳикояти	20
8	21-22	Тож ва тахтнинг вафосизлиги ҳақида	16	Фаридуни Фаррух ҳикояти	19
9	23-24	Адолат ҳақида	11	Шоҳ Кубод ва унинг насихати ҳақидаги ҳикоят	33
10	25-26	Ёмон одатларни тарк қилиш ҳақида	9	Пир ва хаста шоҳ ҳикояти	37
11	27-28	Қаноат ва ризқ ҳақида	11	Шер ва тулки ҳикояти	25
12	29-30	Вафо ҳақида	11	Бозорчи киши ва унинг вафодор ити ҳақидаги ҳикоят	29
13	31-32	Бахиллик ва ҳасад ҳақида	11	Бахил ва ночор киши ҳақидаги ҳикоят	33
14	33-34	Карам ва саховат	17	Яман подшоҳи ва Ҳотами Той ҳикояти	38
15	35-36	Тамаъ ҳақида	14	Ҳорун ар-Рашид ва Шомдан Бағдодга сув олиб келган киши ҳикояти	30
16	37-38	Ишқ ҳақида	10	Лайли ва Мажнун ҳикояти	33
17	39-40	Ҳалоллик ҳақида	12	Порадўз ва унинг камбағал кўшниси ҳақидаги ҳикоят	44
18	41-42	Ҳиммат ҳақида	12	Искандар ҳақидаги ҳикоят	59

<sup>40</sup> Бу ўринда биз “Мажмаъ ул-ахбор” достонини шартли равишда 42 бобга ажратдик. Мазкур жадвалдаги биринчи устун рақамлари ҳикоятлар тартибини ҳам билдиради.

Маълумки, “Хамса”ларнинг дастлабки дostonлари сариъи баҳри вазнларида ёзилади. Саййид Қосимийнинг “Мажмаъ ул-ахбор” асарида ҳам сариъ баҳрининг икки вазни қўлланилган:

1. Сариъи мусаддаси матвийи макшүф:

Ганжи шафоатда қилибтур амин,

Сени худованди жаҳонофарин<sup>41</sup>.

*муфтаилун муфтаилун фоилун*

– V V – / – V V – / – V –

<i>Ган</i>	<i>жи</i>	<i>ша</i>	<i>фо</i>		<i>ат</i>	<i>да</i>	<i>қи</i>	<i>либ</i>		<i>тур</i>	<i>а</i>	<i>мин</i>
–	V	V	–		–	V	V	–		–	V	–
<i>Се</i>	<i>ни</i>	<i>ху</i>	<i>до</i>		<i>ван</i>	<i>ди</i>	<i>жа</i>	<i>ҳон</i>		<i>о</i>	<i>фа</i>	<i>рин</i>
–	V	V	–		–	V	V	–		–	V	–

2. Сариъи мусаддаси матвийи мавқуф:

Тангри бериптур анга бу тахту тож,

Олғусидур жумла жаҳондин хирож<sup>42</sup>.

*муфтаилун муфтаилун фоилон*

– V V – / – V V – / – V ~

<i>Танг</i>	<i>ри</i>	<i>бе</i>	<i>рип</i>		<i>тур</i>	<i>а</i>	<i>нга</i>	<i>бу</i>		<i>тах</i>	<i>ту</i>	<i>тож</i>
–	V	V	–		–	V	V	–		–	V	~
<i>Ол</i>	<i>гу</i>	<i>си</i>	<i>дур</i>		<i>жум</i>	<i>ла</i>	<i>жа</i>	<i>ҳон</i>		<i>дин</i>	<i>хи</i>	<i>рож</i>
–	V	V	–		–	V	V	–		–	V	~

